Адл ила олам юзин обод қил!

Куч – адолатда

2026 йил
30 октябр,
жума
№ 43
(1129)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан 29 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси ҳамроҳлигида амалий ташриф билан Анқара шаҳрига келди.

“Этимесгут” аэропортида давлатимиз раҳбарини Туркия вице-президенти Жавдат Йилмаз ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Анқара шаҳрига келган Президент Шавкат Мирзиёев дастлаб Туркиядаги ватандошларимиз билан самимий мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари юртдошларимиз билан суҳбатлашиб, уларнинг ҳаёти, ўқиши ва келажак режалари билан қизиқди.

– Яна бир бор ватандошларимни кўриб турганимдан хурсандман. Қаерда бўлманглар, бир дақиқа ҳам вақтингизни беҳуда ўтказманглар. Доимо илмга, билим олишга, ўрганишга интилинглар. Бу жонажон Ватанимиз, буюк Ўзбекистонимиз келажагига қўшадиган ҳиссангиз бўлади, – деди Президентимиз.

Мулоқотда ёшларга қаратилаётган эътибор мамлакатимизнинг узоқ истиқболи билан боғлиқ экани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари улуғ аждодларимизнинг илмий мероси ва қадриятлари тикланаётганига тўхталиб, ватандошларимиз Янги Ўзбекистон тараққиётига кўмакдош бўлишига ишонч билдирди.

– Мен ватандошларимизни доимо соғиниб, эслаб юраман. Сизларнинг яхши яшашингиз, Ватанга қайтиб, унинг равнақига муносиб ҳисса қўша олишингиз учун Ўзбекистонда барча шароитни яратишга ҳаракат қиляпмиз. Илм олиш, билим эгаллаш, уй-жойли бўлиш учун имкониятларни кенгайтиряпмиз, – деди Президент Шавкат Мирзиёев ва ватандошларимизга муваффақиятлар тилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркиянинг миллий байрами – Республика куни муносабати билан бутун турк халқини қизғин муборакбод этиб, тинчлик-осойишталик, бардавом тараққиёт ва фаровонлик тилади.

Мулоқот чоғида икки мамлакат ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини, хусусан, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда янада мустаҳкамлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда барча даражаларда фаол мулоқотлар олиб борилаётгани катта мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажми, қўшма корхоналар ва авиақатновлар сони изчил ўсиб бормоқда. Ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича мунтазам равишда қўшма тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Томонлар бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгашни таъсис этиш, Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишига пухта тайёргарлик кўриш, истиқболли лойиҳалар портфелини кенгайтириш ҳамда янги йўналишлар бўйича амалий ҳамкорликни изчил давом эттириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Етакчилар бўлажак тадбирлар режаси, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған музокаралар якунида Бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича юқори даражадаги кенгашни таъсис этиш тўғрисидаги битимни имзоладилар.

Бундан ташқари, кўп қиррали ва узоқ муддатли шерикликнинг турли йўналишларини қамраб олувчи икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланди. Хусусан:

– Имтиёзли савдо битими доирасида товарлар рўйхатини кенгайтириш тўғрисидаги баённома;

– Ижтимоий таъминот тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ва уни амалга ошириш бўйича маъмурий битим;

– 2022 йил 29 мартда имзоланган давлат чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши ҳақида олдиндан ахборот алмашиш тўғрисидаги баённомага ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қўшимча баённома.

Имзоланган ҳужжатлар савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, ишбилармон доиралар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда икки мамлакат фуқароларининг ижтимоий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси ҳамроҳлигида Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар делегациялари раҳбарлари ва уларнинг рафиқалари билан биргаликда ТДТнинг Анқара саммити доирасидаги маданий дастурда иштирок этди.

Етакчилар Анқара шаҳридаги “Бештепа” мажмуасида Туркий давлатлар цивилизацияси боғини очиб бердилар.

Боғда ташкил этилган туркий давлатларнинг павильонларида анъанавий ўтовлар ва халқ амалий санъати намуналари намойиш этилмоқда. Улар туркий халқларнинг бой тарихий-маданий ва меъморий мероси, илм-фан ва маърифат соҳасидаги ютуқлари, ўзига хос анъаналари ҳамда ҳозирги даврдаги тараққиётини акс эттиради.

Давлат раҳбарлари туркий халқларнинг ёзма ёдгорлиги ҳисобланган қадимги Ўрхун битикларининг нусхаси билан танишдилар. Шу ернинг ўзида миллий ўйинлар, камончилар ва тарихий либослардаги жангчиларнинг чиқишлари бўлиб ўтди. Шундан сўнг давлат раҳбарлари эман кўчатларини экдилар.

Бундай ташаббуслар тарихий хотира ва маданий меросни асраб-авайлаш, авлодлар ўртасида узвийликни таъминлаш ҳамда маънавий қадриятлари ва анъаналари муштарак бўлган халқлар ўртасидаги биродарлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Шундан сўнг етакчилар “Malazgirt” марказига ташриф буюрдилар. Унинг номи туркий халқлар тарихида муҳим аҳамият касб этган 1071 йил 26 августдаги Малазгирт жангига ишорадир.

(Давоми 2-бетда) ▶

Моҳият



Халқаро меҳнат стандартлари:

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ЯНГИ КАФОЛАТЛАР

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳар қандай камситишларнинг олдини олиш, меҳнат муносабатларида тенглик ва адолат принципларини таъминлаш ҳамда халқаро меҳнат стандартларини миллий амалиётга изчил жорий этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий база босқичма-босқич такомиллаштирилмоқда.



Орзигул ҚОЗИХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

Бинобарин, Халқаро меҳнат ташкилоти конвенциялари қоидалари ҳамда конституциявий кафолатларни меҳнат муносабатларида тўлиқ таъминлаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонунчиликдаги янгиликлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни тасдиқлашга, тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳалари, шунингдек, парламент назорати фаолиятига оид масалалар кўриб чиқилди.

Парламент фаолияти



Маъмурий судларнинг ваколатлари кенгайтирилмоқда

Мажлисда депутатлар Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексни тасдиқлашга оид қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.

(Давоми 3-бетда) ▶

Жамиятимиз мақсади

Ижтимоий давлат сари ўн йиллик одим, рақамлар ортидаги ҳақиқат

Сўнгги ўн йиллик Янги Ўзбекистон тарихига инсон қадрини улуғлаш ва халқни рози қилиш йўлидаги катта ўзгаришлар даври бўлиб кирди. Мамлакатда камбағалликка қарши кураш эълон қилиниб, манзилли ижтимоий ҳимоянинг мустаҳкам пойдевори яратилди. Таълим, соғлиқни сақлаш ва уй-жой сиёсатидаги туб ислоҳотлар замирида эса асрларга татигулик машаққатли, аммо шарафли меҳнат мужассам. Бу саъй-ҳаракатларнинг бош ғояси ва олий мақсади, ҳеч бир юртдошимизни тақдир шиддатлари қаршисида ёлғиз қолдирмайдиган, меҳр ва адолат йўғрилган ҳақиқий “Ижтимоий давлат” тамойилини ҳаётимизнинг бош мезонига айлантиришдир.

Тан олиш керак, яқин ўтмишда жамиятимизнинг энг маҳзун воқелиги бўлган камбағаллик мавзуси узоқ йиллар давомида “ёпиқ эшиклар” ортида қолиб келди. Ваҳоланки, дарднинг бўлатуриб, уни яшириш ривожланишни ортга сурувчи энг катта ғов эди. Давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев ушбу сохта бюрократик қолипни парчалаб, илк кунларданоқ ижтимоий оғриқларни очиқ тан олди ва унга қарши курашни умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарди.

Рақамларга боқсак, 2017 йилда халқимизнинг ўттиз беш фоизи камбағаллик чегарасида яшаётган, эскирган ёрдам механизмлари эса ҳақиқий муҳтожлар дардига малҳам бўлолмаётган эди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Қонун кўмаги



Аттестациядан ўтказилмаган иш жойи бунинг учун ходим айбдорми?

Инсон саломатлиги учун хавфли ва зарарли меҳнат шароитларида фаолият юритиш катта масъулият ва матонат талаб этади. Айниқса, юқумли касалликларга қарши курашиш муассасаларида меҳнат қилаётган тиббиёт ходимлари ҳар куни ўз соғлиғини хавф остига қўйиб, инсонлар саломатлиги йўлида хизмат қиладилар.


Шундай экан, уларнинг меҳнати муносиб баҳоланиши, қонун билан белгиланган имтиёз ва ҳуқуқлари таъминланиши лозим. Аммо айрим ҳолларда иш берувчи томонидан ўз вақтида бажарилмаган мажбуриятлар ходимнинг қонуний манфаатларига таъсир кўрсатиши мумкин. Ана шундай вазиятда адолатни тиклаш ва фуқаронинг ҳуқуқини ҳимоя қилишда судлар муҳим ўрин тутади.

(Давоми 2-бетда) ▶

Турмуш чорраҳаларида

Адолат қарор топди

даъвогарнинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланди



Оила — инсон учун меҳр-оқибат, тинчлик ва хотиржамлик маскани. Ҳар бир инсон ўз хонадонида муносиб яшашни, фарзандларини хавфсиз ва барқарор муҳитда тарбиялашни истайди. Бироқ турмушдаги келишмовчиликлар баъзан шундай тус оладики, кечагина бир хонадонда аҳил яшаган оила аъзолари ўртасида уй-жойдан фойдаланиш масаласи ҳам жиддий низога айланади.

(Давоми 4-бетда) ▶

Автоулов бугунги кунда турмушимизнинг ажралмас қисмига айланган. У инсоннинг узоғини яқин, оғирини енгил қилади.

Бироқ транспорт воситаси қулайлик манбаи бўлиши билан бирга, уни бошқариш катта масъулият ҳам талаб этади. Айниқса, ҳаётий тажрибаси, ҳайдовчилик малакаси ва тегишли ҳуқуқи бўлмаган вояга етмаганларнинг автомобиль бошқариши баъзан фожиаларга сабаб бўлмоқда.

Айрим ота-оналар фарзандининг машина ҳайдашга қизиқишини унинг улғайгани, мустақилликка интилаётгани сифатида қабул қилади. Ҳатто баъзан “ўғлим машина ҳайдашни билади”, “ички йўлда нима ҳам бўларди” деган қарашлар билан бундай ҳаракатнинг хавфига етарлича эътибор беришмайди.

Ҳолбуки, рулни бошқаришни билиш билан транспорт воситасини қонунан ва хавфсиз бошқариш ҳуқуқига эга бўлиш бошқа-бошқа тушунчалардир. Самарқанд вилоятининг туманларидан бирида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси бу ҳақиқатни яна бир бор эслатди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Сабоқ

Бир лаҳзалик бепарволик



БУТУН УМРЛИК АРМОНГА АЙЛАНГАНИ ХУСУСИДА

Жамиятимиз мақсади

Ижтимоий давлат сари ўн йиллик одим, рақамлар ортидаги ҳақиқат

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу тубсизликдан чиқиш мақсадида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” каби халқчил институционал тизим ҳаётга кирди. Маҳаллаларда фаолият бошлаган ҳоким ёрдамчилари ва ижтимоий ходимлар ислоҳотларнинг юрагига айланди, улар муаммоларни юқори идоралардан туриб эмас, балки оддий одамларнинг яшаш шароити ва тақдирини ич-ичидан ҳис қилган ҳолда ҳал этишнинг янги даврини бошлаб берди.

Тизимли ва изчил олиб борилган ижтимоий-иқтисодий стратегия ўзининг амалий меваларини берди. Тинимсиз меҳнат натижасида, 2017 йилдаги 35 фоизлик юқори кўрсаткич йиллар давомида кескин қисқариб борди. Хусусан, 2026 йил бошидаги 5,8 фоизлик кўрсаткич қисқа фурсатда 3,9 фоизга туширилди, эҳтиёжманд аҳоли сони эса 2 миллион 200 мингдан 1,5 миллион нафарга камайди. Маҳаллабай ишлаш тизими тўғри йўлга қўйилган 49 та туман ва 3 минг 429 та маҳалла бугун ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудуд деган шарафли номга сазовор бўлди. Кўз ўнгимизда намоён бўлаётган бу рақамлар шунчаки оддий статистика эмас, балки миллионлаб ватандошларимиз ҳаётида содир бўлган ҳақиқий фаровонлик ва юксалишнинг яққол тасдиғидир.

Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. Ушбу тузилманинг яратилиши ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги тарқоқликка барҳам бериб, ягона, шаффоф ва манзилли давлат сиёсатини юритиш имконини берди. Эндиликда давлат кўмагига муҳтож ҳар бир фуқаро бюрократик тўсиқларсиз ўз ҳимоясини ҳис қилиши учун мустаҳкам институционал пойдевор яратилди.

Бугунги кунда мазкур ислоҳотларнинг амалий натижаси сифатида республикамизнинг барча ҳудудларида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари босқичма-босқич иш бошлади. Мазкур марказлар орқали аҳолига ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар “маҳаллабай” ва “фуқаробай” тамойили асосида бевосита жойларнинг ўзида етказилмоқда. Биргина мисол, сўнгги уч йилда ижтимоий хизматлар сони 23 тадан 140 тага етди. Ҳар йили ўртача 4,6 миллионта, жумладан, маҳалла даражасида қарийб 2 миллионта ижтимоий хизмат кўрсатилмоқда. Бу эса ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг пойтахт ёки туман марказларига овора бўлиб боришининг олдини олиб, барча турдаги хизматларни аҳолининг ўзига яқинлаштирди.

Бугун “Инсон” марказлари орқали оғир аҳволга тушиб қолган оилаларга ижтимоий-психологик кўмак кўрсатиш, ногиронлиги бўлган шахсларга протез-ортопедия буюмларини етказиш, кексалар ва ёлғиз фуқароларга парвариш хизматларини ташкил этиш ҳамда болаларни ҳимоя қилиш каби ўнлаб турдаги замонавий ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда. Буларнинг барчаси инсон қадри устувор бўлган Янги Ўзбекистонда ижтимоий адолат ва ғамхўрлик ҳеч бир фуқаро эътибордан четда қолмаслигини яққол намоён этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, инсон қадрини улуғлаш ва муносиб шароит яратиш ғоясини таълим ва тиббиёт соҳасидаги туб ислоҳотларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки сифатли таълим ва мустаҳкам соғлиқ ҳар бир фуқаронинг жамиятда ўз ўрнини топиши, салоҳиятини юзага чиқариши ва фаровон кун кечиришининг бош кафолати саналади.

Давлат томонидан ушбу икки устувор йўналишга ажратилаётган йирик маблағлар ва қаратилаётган юксак эътибор миллий генофондни асраш, инсон капиталини ривожлантириш ва мамлакатнинг эртанги истиқболига қўйилаётган энг ишончли пойдеворга айланди. Жумладан, сўнгги ўн йил ичида Ўзбекистон таълим тизимини ривожланишнинг локомотивига айлантира олди. Агар 2016 йилда болаларнинг бор-йўғи 27 фоизи боғчага борган бўлса, қолган қисми тизимли тарбиядан четда қолаётган эди. Давлат-хусусий шериклик тизимининг жорий этилиши ҳамда тадбиркорлик субъектларига яратилган қулай шароитлар туфайли юртимизда минглаб янги мактабгача таълим ташкилотлари бунёд этилди. Бунинг самараси ўлароқ, болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси 78 фоизлик тарихий кўрсаткичдан ошиб улгурди.

Давлат сиёсатининг диққат марказида бўлган мактаб таълимида инфратузилма тубдан янгиланиб, 1,5 миллиондан зиёд янги ўқувчи ўрни яратилди. Энг муҳими, тизимда узоқ йиллар давом этган мажбурий меҳнатга барҳам берилиб, муаллимнинг жамиятдаги мавқеи тикланди. Илгари пахта далалари ва ички ишлардан ортмаган ўқитувчи ўз касбий фаолиятига қайтарилди, маошлари оширилди. Бугун синфхонага қадам қўяётган ҳар бир устоз ўз қадр-қиммати ва касбий шарафини тўла ҳис этмоқда.

Олий таълимдаги ислоҳотларни эса, ёшлар ҳаётидаги бурилиш нуқтаси, дейиш мумкин. Негаки, 2016 йилга қадар ёшларнинг бор-йўғи 9 фоизи олий таълим олиш имкониятига эга эди, холос. Юз минглаб йигит-қизларнинг орзулари тор квоталар сабаб амалга ошмасди. Бугунги кунга келиб, ОТМлар сони 200 тадан ошди ва қамров даражаси 42-45 фоизга етказилди. Хотин-қизларнинг магистратурада бепул ўқиши бўйича жорий этилган тизим эса мамлакатда гендер тенгликни мустаҳкамлаш ва аёлларнинг илмий салоҳиятини оширишда туб бурилиш ясади.

Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам туб бурилишлар кузатилди. Тиббиётнинг асоси бўлган бирламчи бўғин, оилавий шифокорлик пунктлари ва поликлиникалар фаолияти тубдан янгиланиб, тиббий хизмат аҳолига яқинлаштирилди. Кўрилган чоралар натижасида аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 73,8 ёшдан 75,4 ёшга кўтарилди. Айниқса, оналар ва болалар ўлимининг тўрт баробарга камайгани тиббиётдаги энг катта ютуқ бўлди. Бу рақамлар ортида минглаб сақлаб қолинган ҳаётлар мужассам. Шунингдек, илгари даволаниш учун пойтахтга ёки чет элга боришга мажбур бўлган беморлар эндиликда ўз вилоятларида юқори технологияли тиббий операциялардан фойдаланиш имкониятига эга.

Ижтимоий сиёсатнинг энг самарали йўналишларидан бири уй-жой таъминоти бўлди. Халқимизда “томи бутнинг – кўнгли бут”, деган ҳикмат бор. Кейинги йилларда ипотека кредитлаш тизимининг соддалаштирилгани ва эҳтиёжманд қатламга субсидиялар ажратилгани туфайли 650 мингдан зиёд оила янги уй-жой билан таъминланди. Ҳудудларда барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивлари эса янгича шаҳарсозлик маданияти ва шинам инфратузилманинг амалий ифодасидир.

Энг муҳими, сўнгги ўн йиллик фақатгина қурилишлар, бинолар ёки рақамлар ўсишидан иборат эмас, бу одамларнинг онги ўзгаргани, жамиятда дахлдорлик ҳисси уйғонгани, давлат ва халқ ўртасида мустаҳкам кўприк қурилгани билан янада аҳамиятлидир.

Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида охирги ўн йилликда мамлакатимизда амалга оширилган шиддатли ва туб ислоҳотларнинг амалий натижаси ўлароқ, Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий очиқлиги, ижтимоий ҳимоянинг кучайгани ва энг асосийси, “Инсон қадри учун” ғояси ҳаётга тўлақонли татбиқ этилганини яққол кўрсатди. Бугун жамиятимизда қарор топган ижтимоий адолат ва халқчил сиёсат эртанги кунимизнинг янада фаровон, юртимизнинг эса, буюк келажак сари ишончли қадам ташлашини кафолатлайди.

Гулнорахон АБДУВОҲИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси.
ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКИЯГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Олий мартабали меҳмонларга чавандозлар, акробатлар ва каскадёрлар, шунингдек, ташкилотга аъзо мамлакатлардан келтирилган отлар иштирокида эпик томоша намойиш этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити доирасида “OYAK” компанияси бош директори Мурат Ялчинташни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари сўнгги йилларда Туркия билан стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, бу жараёнда ишбилармон доира вакилларининг ўрни ва ҳиссаси беқиёс эканини қайд этди.

Мулоқот чоғида туркиялик ҳамкор ҳар бир сармоядор учун катта имкониятлар майдонига айланиб бораётган Янги Ўзбекистонда кимё саноати, геология ва қурилиш соҳаларида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қизиқиш билдирди.

Шунингдек, Янги Тошкентда турар жой мажмуалари ва ташқи инфратузилма объектлари қурилишида фаол иштирок этишга тайёр эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Evyap Holding” компанияси бошқарув кенгаши аъзоси Ўмер Эвьяпни қабул қилди.

Мулоқот чоғида компания раҳбари Янги Ўзбекистонда турк компаниялари учун яратилаётган қулай шарт-шароит ва тақдим этилаётган кенг имтиёзлар туфайли уларнинг сони йил сайин ўсиб бораётганини қайд этди.

“Evyap Holding” компанияси шахсий гигиена ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасидаги бой тажрибасидан келиб чиқиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва истиқболли лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга тайёрлиги билдирилди.

Учрашувда “OSTIM Global” Ўзбекистон – Туркия саноат зонасида йўлга қўйилаётган янги лойиҳани жадаллаштиришга келишиб олинди. Шунингдек, ишлаб чиқариш учун зарур хомашёни маҳаллийлаштириш имконияти атрофлича кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “EKSIM Holding” компанияси бошқарув кенгаши раиси Эбубекир Тивниклини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари учрашув аввалида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини қайд этди.

Мулоқот давомида қайта тикланувчи энергетика, геология ва тоғ-кон саноати, инфратузилма, электромобиллар учун қувватлаш станцияларини ташкил этиш ва озиқ-овқат саноати соҳаларидаги лойиҳаларни янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, мамлакатимизда янги электр узатиш тармоқларини барпо этиш, геология йўналишидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев “Anadolu Group” холдинги бошқарув кенгаши раиси Камилхан Сулейман Язижини қабул қилди.

Учрашувда ушбу компаниянинг салқин ичимликлар ва автомобилсозлик соҳаларида Ўзбекистон бозорига киритган йирик инвестициялари мамлакатимиздаги ислоҳотларга бўлган ишончнинг яққол ифодаси экани алоҳида таъкидланди.

Жумладан, Самарқанддаги “СамАвто” корхонасини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш қувватлари ва экспорт маҳсулотлари ҳажмини кенгайтириш бўйича қўшимча инвестиция лойиҳалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида Туркиянинг йирик чакана савдо тармоғини Ўзбекистон бозорига олиб кириш, чорвачилик мажмуасини барпо этиш, геология йўналишидаги истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

30 октябрь куни Ўзбекистон етакчиси Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги саммити тадбирларида иштирок этади.

“Туркий аср: тилда, фикрда ва ишда бирлик” шиори остида ўтадиган анжуман кун тартибидан устувор йўналишлардаги кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари ўрин олган.

Саммит якунлари бўйича Анқара декларацияси ҳамда ташкилот доирасида амалий шерикликни янада кенгайтиришга қаратилган битимлар тўплами қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикасига амалий ташрифи давом этмоқда.
ЎзА

Қонун кўмаги

Аттестациядан ўтказилмаган иш жойи бунинг учун ходим айбдорми?



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Тамара Мамасолиева (исм-шарифлар ўзгартирилган) тиббиёт ходими. Сил касалликларига қарши диспансерда фельдшер-фтизиатр вазифасида фаолият юритиб келади. У қонун талабларидан келиб чиқиб, имтиёзли пенсия тайинлаш масаласида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига мурожаат қилади. Бироқ аризасига рад жавобини олади. Бунинг сабаби сифатида иш жойларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмаслиги кўрсатилади.

Шундан сўнг Т.Мамасолиева ўз меҳнат фаолияти даврини имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берувчи зарарли касбда ишлаганлик даври сифатида эътироф этишини сўраб, судга мурожаат қилди.

Суд мажлисида гувоҳлар аризачи билан бирга ишлашини, уларнинг меҳнат фаолияти зарарли шароитларда амалга оширилиши ва бундай меҳнат учун қўшимча тўловлар белгиланганини баён қилдилар. Манфаатдор шахс вакиллари ҳам аризачининг талабини асосли деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни сўрадилар.

Суд иш ҳужжатларини, тақдим этилган маълумотномаларни ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини ўрганиб, қонунчилик талабларини таҳлил қилди.

Эслатма: **Конституциямизнинг 46-моддасида ҳар кимнинг ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи кафолатланган. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”**ги қонуннинг **12-моддасида эса, меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимларга белгиланган талаблар асосида ёшга доир пенсияни имтиёзли шартларда тайинлаш назарда тутилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 10 октябрдаги 637-сон қарори билан тасдиқланган рўйхатда сил ва юқумли касалликлар муассасаларида ишловчи ўрта ва кичик тиббиёт ходимларининг айрим лавозимлари имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берувчи касблар қаторига киритилган.**

Муҳим жиҳати, иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш ходимнинг эмас, балки иш берувчининг зиммасидаги мажбуриятдир. Амалдаги Меҳнат кодексининг 359-моддасида ҳам бу талаб белгиланган. Демак, иш берувчи томонидан ушбу қонуний мажбурият ўз вақтида бажарилмагани ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини четлаб ўтиш учун асос бўлмаслиги керак.

Хўш, суд айни қонуний талабларга кўз юмиши керакмиди?

Асло!

Иш ҳолатлари баҳоланишида айнан шу жиҳатларга эътибор қаратилди. Аризачининг меҳнат фаолияти сил касалликларига қарши курашиш муассасасида амалга оширилгани, унинг лавозими имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берувчи ишлар рўйхатига мувофиқ келиши ҳамда иш жойларини аттестациядан ўтказиш ходимнинг айби билан боғлиқ эмаслиги инобатга олинди.

Ариза қаноатлантирилди. Суднинг ҳал қилув қарори меҳнат фаолияти давомида инсон саломатлиги учун хавфли шароитларда ишлаётган ходимларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, иш берувчи зиммасидаги мажбуриятларнинг бажарилмагани ходим ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатмаслиги лозимлигини яна бир бор кўрсатди.

Бахтигул МАТМУРОТОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро суди судьяси

Сабоқ

Бир лаҳзалик

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Равшан Умаралиев (исм-шарифлар ўзгартирилди) 2008 йилда туғилган. У 2025 йил 19 июль куни, ҳали 17 ёшга ҳам тўлмаган пайтида онасига тегишли “Дамас” русумли автомашинани ҳайдовчилик гувоҳномасисиз бошқариб, соат тахминан, йигирма уч-у ўттизларда йўлга чиққан. Йўлда ҳаракатланиш пайтида йўлнинг четки қисмида келаётган пиёда Ш.Жомуродовни уриб юборади.

Судланувчининг кўрсатмасига кўра, автомобиль, тахминан, соатига 65–70 километр тезликда ҳаракатланган. У автомашина тормозини босган, бироқ бошқарувни йўқотиб, пиёдани уриб юборган ва автомобиль йўл четига ағдарилган.

Ҳодисадан сўнг Р.Умаралиев тез тиббий ёрдам хизматига мурожаат қилган. Жабрланувчи шифохонага олиб кетилган. Афсуски, кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамай, Ш. Жомуродов оғир тан жароҳатлари оқибатида вафот этган.

Шу тариқа ҳайдовчилик ҳуқуқига эга бўлмаган ўсмирнинг тунги сафаридан бир инсон ҳаётдан бевақт кўз юмди, бир оила оғир мусибатга дучор бўлди. Ёш йигитнинг ўзи эса қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.



Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”га мувофиқ, “В” тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун шахс белгиланган тартибда тайёргарликдан ўтиши, тегишли имтиҳонларни топшириши ва 18 ёшга тўлган бўлиши керак.

Ёш чегараси шунчаки расмиятчилик учун эмас. Транспорт воситасини бошқариш ҳайдовчидан нафақат техник кўникма, балки йўл вазиятини тез баҳолаш, хавфни олдиндан сезиш, масофа ва тезликни тўғри танлаш, фавқулодда ҳолатларда вазмин қарор қабул қилишни талаб этади.

Мазкур жиноят ишида суд Р. Умаралиев “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди (пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик кўришга оид талаби) ҳамда 77-банди (белгиланган хавфсиз тезликни танлаш ва ҳаракатни доимий назорат қилиш)да белгиланган қоидаларни бузганлигини аниқлади. Биринчи босқич суди унинг ҳаракатларини Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми, яъни транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш орқали одам ўлимига сабаб бўлиш, деб тўғри малакалаган.

Мазкур ишда гувоҳи бўлганингиз бир томонда — яқин инсонидан айрилган оила, иккинчи томонда — ҳали вояга етмаган фарзандининг жиноят иши бўйича судланиши билан юзлашган хонадон бор. Йўл-транспорт ҳодисаларининг энг аянчли жиҳати ҳам шунда: бир кишининг ҳаракати ёки эҳтиётсизлиги бошқа инсонларнинг тақдирига ҳам таъсир қилади.

Жазо тайинланишда судланувчининг вояга етмагани, айбига тўлиқ иқрорлиги, пушаймонлиги, муқаддам судланмагани ҳамда жабрланувчи томонига етказилган моддий ва маънавий зарар қопланган инобатга олинди. Жиноят кодексининг вояга етмаганларга жазо тайинлашга оид нормалари ва 57-моддаси қўлланилиб, икки йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди.

Шунингдек, муайян жойларга бормаслик, алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик, назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Самарқанд вилояти ҳудудини тарк этмаслик каби чекловлар белгиланди.

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисида **“Халқаро меҳнат стандартлари миллий қонунчиликка имплементация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”**ги қонун сенаторлар томонидан маъқулланган муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қонун 4 та моддадан иборат бўлиб, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатларида тенглик ва камситишга йўл қўймасликнинг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган.

Бу ўринда Конституциямизнинг 98-моддасига мувофиқ, Сенат қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритишга ҳақли эканлиги белгиланганини таъкидлаш лозим. Мазкур конституциявий ваколатдан келиб чиққан ҳолда ҳамда меҳнат муносабатларида инсон ҳуқуқлари ва қадр-қимматини янада ишончли ҳимоя қилиш мақсадида 2026 йил 25 майда ушбу қонунчилик таклифи қонунчилик ташаббуси сифатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган.

Қонунчилик палатаси томонидан айни қонун 2026 йил 7 июлда қабул қилиниб, Сенатга кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун юборилган. Аввало, мазкур қонунчилик ташаббуси мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда меҳнат муносабатларини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланишини таъкидлаш жоиз.

Янги қонун билан биринчи навбатда, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш принципини янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Хусусан, Меҳнат кодексининг 4-моддасида меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситиш белгилари қаторига “терисининг ранги” ва “сиёсий қарашлар” тушунчаларини киритиш таклиф этилмоқда.

Бу ўзгартишнинг аҳамияти шундаки, инсоннинг териси ранги ёки сиёсий қарашлари унинг меҳнат қилиш, касб танлаш, ишга қабул қилиниши ёки меҳнат муносабатларида тенг иштирок этиши учун чеклов ёки камситишга асос бўлмаслиги керак.

Мазкур норма Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситиш тўғрисидаги 111-сонли Конвенцияси талабларига мос келади.

Янги қонун билан меҳнат ва машғулотлар соҳасида шаҳвоний шилқимликка йўл қўймаслик бўйича янги ҳуқуқий кафолатлар белгиланмоқда.

Таклиф этилаётган янги нормага



кўра, шахсга нисбатан унинг учун номақбул бўлган, шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлайдиган, ташқи қиёфаси ёки қадди-қоматини тавсифлашда, имо-ишора қилишда, тегинишда ёки чақиришда ифодаланган шаҳвоний хусусиятга эга ҳаракатлар шаҳвоний шилқимлик сифатида баҳоланади.

Энг муҳими, иш берувчи меҳнат жамоасида шаҳвоний шилқимликдан ҳоли муҳитни яратиш учун барча зарур чораларни кўриши шартлиги белгиланмоқда.

Меҳнат жойи инсон ўзини хавфсиз, ҳимояланган ва қадрланган ҳолда ҳис қилиши лозим бўлган муҳит бўлиши керак.

Шилқимлик каби иллат бизнинг миллий менталитетимизга, асрлар давомида шаклланган одоб-ахлоқ ва муомала маданиятимизга мутлақо ёт. Зеро, халқимиз учун каттага ҳурмат, кичикка иззат, ҳар бир инсоннинг ор-номуси ва шахсий дахлсизлигини эъзозлаш азалий қадрият ҳисобланади.

Шундай бўлса-да, афсуски, ҳаётда бу каби иллатлар учраб туради. Шу ўринда эътиборингизни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41^1-моддасида келтирилган шахвоний шилқимлик бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилиши ҳолатига қаратиш жоиз.

Масалан, 2024–2025 йилларда шаҳвоний шилқимлик бўйича маъмурий ишлар сони изчил ўсиш тенденцияси кузатилган. Хусусан, 2024 йилда 2 минг 9 та иш бўйича 2 минг 106 нафар шахс жавобгарликка тортилган бўлса, 2025 йилда ушбу кўрсаткич қарийб 23 фоиз ўсган.

Шунингдек, 2026 йилнинг биринчи ярим йилида судлар томонидан 1 минг 240 та иш бўйича 1 минг 293 нафар шахс жавобгарликка тортилган.

Ушбу қоидабузарликларнинг барчаси ҳам иш жойида содир этилмаган бўлса-да, мазкур рақамлар масаланинг қай даражада долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳати – унинг халқаро меҳнат стандартларига уйғунлигидир.

Халқаро меҳнат ташкилотининг 190-сонли Конвенцияси меҳнат соҳасида тазйиқ, зўравонлик ва шаҳвоний шилқимликка қарши самарали ҳуқуқий кафолатларни жорий этишни муҳим вазифалардан бири сифатида белгилайди.

Шунингдек, бугунги глобал иқтисодий муносабатлар шароитида меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш фақат ижтимоий-ҳуқуқий аҳамият билан чекланиб қолмаяпти.

Халқаро инвесторлар, молиявий институтлар ва трансмиллий компаниялар мамлакатларни баҳолашда меҳнат ҳуқуқларининг кафолатланганлиги, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси, корпоратив этика ва халқаро меҳнат стандартларига риоя этилишига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда.

Айниқса, атроф-муҳит, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) тамойиллари талабларида меҳнат муносабатларида тенглик, инсон қадрини ҳимоя қилиш ҳамда шаҳвоний шилқимликка қарши аниқ ҳуқуқий механизмларнинг мавжудлиги муҳим мезонлардан бири ҳисобланади.

Шу боис ушбу янги қонун нафақат инсон ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилишга, балки мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, экспортбоп корхоналарнинг халқаро таъминот занжирларида иштирокини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

Бунинг амалий тасдиғини Жаҳон банкининг **“Аёллар, бизнес ва қонун”** индекси натижаларида ҳам кўриш мумкин. Жорий йилги ҳисоботга кўра, Ўзбекистон ушбу индекс кўрсаткичи бўйича 43 поғонага юқорилаб, 190 та давлат орасида 48-ўринни эгаллади.

Шу билан бирга, ушбу индекснинг “Хавфсизлик” индикаторида иш жойида шаҳвоний шилқимликка қарши самарали ҳуқуқий механизмларнинг мавжудлиги муҳим баҳолаш мезонларидан бири сифатида қайд этилган. Шунинг учун ушбу қонун мамлакатимизнинг халқаро рейтинг ва индекслардаги натижаларини янада яхшилашга ҳам хизмат қилади.

Қонунчилик ташаббуси доирасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг илғор тажрибаси ҳам ўрганилди. Хусусан, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Дания, Финляндия, Норвегия, Грузия, Озарбайжон, Қирғизистон ва бошқа қатор давлатларнинг меҳнат қонунчилиги таҳлил қилинди. Ушу давлатлар қонунчилигида ҳам меҳнат соҳасида камситишнинг қўшимча белгилари ва шаҳвоний шилқимликни тақиқлашга қаратилган нормалар мавжудлиги қайд этилди.

Янги қонун маҳаллий Кенгашлар депутатлари, экспертлар ҳамда Ёшлар парламенти вакиллари иштирокида муҳокама этилиб, ижобий хулосалар олинди.

Мухтасар айтганда, ушбу янги қонун меҳнат муносабатларида тенглик ва камситишга йўл қўймаслик кафолатларини кучайтиради, шаҳвоний шилқимликларнинг олдини олиш ва унга қарши самарали ҳуқуқий механизмларни шакллантиради ҳамда мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги, халқаро имижи ва рейтинглардаги ўрнини янада яхшилашга улкан ҳисса қўшади.

Парламент фаолияти

Қонунчиликдаги янгиликлар

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Таъкидланганидек, давлат органлари фаолияти устидан суд назоратини ўрнатишда маъмурий судлар муҳим ўрин тутади. Шу боисдан суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда тўпланган амалий тажриба амалдаги кодексни замон талабларига мослаштириш, фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларини янада такомиллаштириш зарурати юзага келтирмоқда.

Қонун лойиҳаси билан фуқаро ва тадбиркорлар учун судга мурожаат қилиш янада енгиллаштирилмоқда. Энди формал камчиликлар учун ариза қайтарилмайди, аксинча, суд аризачига камчиликларни бартараф этиш ва ариза талабини тўғри шакллантиришда кўмаклашади. Агар ариза янглишиш оқибатида бошқа ҳудуддаги судга топширилса, суд уни қайтармасдан, “Ягона дарча” тамойили асосида тегишли судга ўзи ўтказади.

Энг муҳим янгиликлардан бири — фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳақлиги презумпцияси кенгайтирилаётгани, яъни давлат органи қабул қилган қарор қонуний ва асосли эканлигини, қўлланилган жарима ёки бошқа чора қилмишга мутаносиб эканлигини ўзи исботлаши шарт бўлади. Суд эса ишни фақат расмий жиҳатдан эмас, балки қўлланган чора қонунда кўзланган мақсадга мос ва етарли эканлиги нуқтаи назаридан ҳам текширади.

Шу билан бирга, бузилган ҳуқуқни тезкор тиклаш учун 4 турдаги даъво институти жорий этилиб, уларнинг аниқ муддатлари белгиланмоқда. Бундан ташқари маъмурий орган қарори билан бир гуруҳ шахслар ҳуқуқлари бузилган ҳолларда 20 нафар ва ундан ортиқ шахс биргаликда жамоавий даъво бериши мумкин бўлади. Савдо-саноат палатасига эса, гарчи у биринчи инстанция судида иштирок этмаган тақдирда ҳам, тадбиркор манфаатини кўзлаб, суд қарори устидан юқори инстанцияга тўғридан-тўғри шикоят киритиш ҳуқуқи берилмоқда.

Қонун лойиҳасида давлат органларида қонунийликни таъминлаш мақсадида суд мансабдор шахслар фаолиятида коррупция аломатларини аниқлаган тақдирда, материалларни ваколатли органларга юбориши аниқ белгиланмоқда. Суд қарорлари ижроси учун масъулият ҳам кучайтирилмоқда. Мансабдор шахсга жарима қўлланилганидан кейин ҳам қарор тақроран ижро этилмаса, судга жиноят иши қўзғатиш учун прокурорга хабар бериш ваколати берилмоқда.

Шунингдек, эндиликда фуқаро ва тадбиркорлар ҳокимликларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари устидан ҳам маъмурий судга шикоят қилиши мумкин бўлади. Бундай шикоятлар вилоят даражасидаги судларда судьялар ҳайъати томонидан прокурор иштирокида кўриб чиқилади.

Савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Тадбиркорлар учун муҳим солиқ имтиёзлари

Мажлисда тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Ушбу ҳужжат тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, бозорда тенг шароитлар ва адолатли рақобат муҳитини таъминлаш, солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиш ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва даромадларини оширишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан тадбиркорлар учун белгиланган солиқ имтиёзларидан узлуксиз фойдаланиш имкониятини таъминлаш таклиф этилмоқда. Шунингдек, солиқ қарзи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, ҳисобланадиган пеня миқдори ушбу қарз суммасидан ошиб кетмаслиги белгиланмоқда.

Солиқ тўловчи камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талаб этилган тушунтириш ёки аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этса, унинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш чорасини солиқ органлари томонидан автоматик равишда бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида фармацевтика, пиллачилик, тўқимачилик каби ишлаб чиқариш тармоқлари, нодавлат мактабгача таълим, ижтимоий хизмат кўрсатиш ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга йўналишлар, инвестиция фаолиятини рағбатлантириш мақсадида йирик кўчмас мулк инвестиция лойиҳаларига нисбатан ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, кўкаламзорлаштириш ва ижтимоий аҳамиятга эга хайрия ташаббусларини қўллаб-қувватлашга оид солиқ енгилликлари ҳам белгиланмоқда.

Ҳужжатда ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича бешинчи тоифага киритилган туманларда фаолият юритаётган айрим тадбиркорлик субъектлари учун пасайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш ҳам назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғини тўлашга ўтаётган тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш учун енгилликлар белгиланмоқда. Бу, ўз навбатида, кичик бизнеснинг фаолият кўламини кенгайтириши учун қўшимча имконият яратади.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

Жиноят ва жазо

Жиноят такрорланди, жазонинг муқаррарлиги таъминланди

Бу ҳаётда тўғри йўл қолиб, нопок йўлга қадам қўйиш, нафс қутқусида турли хил қилмишларга қўл уриш ҳеч қачон изсиз кетмайди. Буни 1985 йил Қўшкўпир туманида туғилган Ибрат Раҳимовнинг қилмишлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

И.Раҳимов (исм-шарифлар ўзгартирилди) ғўр ёшликнинг дастлабки қадамларидаёқ ҳаётга тўғри назар билан қарамади, аксинча, доимо нопок йўллар билан мўмай даромад топиш пайида бўлди. Оқибатда эса, гиёҳванд воситалари олди-сотдиси устида қўлга тушди.

Воқеа 2007 йил охирида қўшни мамлакат ҳудудида рўй бергани боис И.Раҳимов 2008 йил март ойида содир этган жинояти учун ушбу мамлакат суди томонидан 23 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

(Давоми 4-бетда) ▶

бепарволик

БУТУН УМРЛИК АРМОНГА АЙЛАНГАНИ ХУСУСИДА



Бу ҳолат суднинг жиноят оқибатига ҳуқуқий баҳо бериш билан бирга, вояга етмаган шахсни жамиятдан ажратмасдан тарбиялаш имкониятини ҳам ҳисобга олганини кўрсатмоқда.

Аммо инсон ҳаётига етган талафотни ҳеч қандай жазо ёки моддий товон билан тўлиқ қоплаб бўлмайди. Ушбу ҳодиса транспорт воситаси эгалари, айниқса, ота-оналар учун ҳам жиддий огоҳлантиришдир.

Суд ҳукмида “Дамас” автомашинаси судланувчининг онасига тегишли эканлиги қайд этилган. Бироқ ҳукмда онаси автомобилни ўғлига айнан ўзи бошқариш учун топширгани исботланган ҳолат сифатида кўрсатилмаган. Шу сабабли ушбу воқеада автомобиль эгасини жавобгар деб

> **Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”га мувофиқ, “В” тоифадаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини олиш учун шахс белгиланган тартибда тайёргарликдан ўтиши, тегишли имтиҳонларни топшириши ва 18 ёшга тўлган бўлиши керак.**

хулоса чиқаришга асос йўқ.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 135-моддаси иккинчи қисмига кўра, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахснинг уни бошқариши, шунингдек, бундай шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бошқача айтганда, қонун нафақат ҳайдовчилик ҳуқуқисиз рулга ўтирган шахсга, балки автомобилни бошқаришни унга топширган шахсга нисбатан ҳам жавобгарлик белгилайди.

Албатта, бундай вазиятда автомобиль эгасининг жавобгарлиги масаласи унинг транспорт воситасини, ҳақиқатан ҳам, бошқа шахсга топширгани ва ҳуқуқбузарликнинг бошқа зарур ҳолатлари аниқланганидан кейингина ҳал этилади.

Мазкур қоиданинг ҳаётий аҳамияти шундаки, автомобиль калитини фарзандига бериш ёки унинг ҳайдовчилик ҳуқуқисиз транспорт бошқаришига онгли равишда йўл қўйиш шунчаки оилавий муносабат доирасидаги масала эмас. Бундай бепарволик бошқа инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиши мумкин.

Ҳайдовчилик ҳуқуқисиз фарзандни рулга ўтқазишни унга билдирилган ишонч сифатида кўрсатиш тўғри эмас. Болага ҳақиқий ғамхўрлик — уни қонунга риоя қилишга, ўзининг ва ўзгаларнинг ҳаёти учун масъулиятли бўлишга ўргатишдир.

Мазкур ишда гувоҳи бўлганингиз бир томонда — яқин инсонидан айрилган оила, иккинчи томонда — ҳали вояга етмаган фарзандининг жиноят иши бўйича судланиши билан юзлашган хонадон бор. Йўл-транспорт ҳодисаларининг энг аянчли жиҳати ҳам шунда: бир кишининг ҳаракати ёки эҳтиётсизлиги бошқа инсонларнинг тақдирига ҳам таъсир қилади.

Шунинг учун амалий ҳайдаш кўникмалари фақат белгиланган қонуний тартиб ва хавфсиз ўқув шароитида шакллантирилиши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, автомобиль калити фарзанд қўлига топширилганда, унинг ёши, малакаси ва қонуний ҳуқуқи ҳам ҳисобга олиниши керак. Акс ҳолда, бир лаҳзалик бепарволик бутун умрлик армонга айланиши мумкин.

Илҳом ҚОРАБОЕВ,
Самарқанд вилояти суди судьяси

Турмуш чорраҳаларида

Адолат қарор топди

даъвогарнинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланди



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Айниқса, эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик сабабли аёлнинг вояга етмаган фарзандлари билан бирга яшаб келган уйидан чиқиб кетиши ёки унга қайта киришига тўсқинлик қилиниши нафақат оилавий муносабатларга, балки инсоннинг қонун билан муҳофаза қилинадиган уй-жой ҳуқуқларига ҳам дахлдордир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: уй-жойга мулк ҳуқуқи бир шахсга тегишли бўлса, у билан оила аъзоси сифатида яшаб келган бошқа шахслар мазкур турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладими? Оилавий муносабатлар бузилгани ёки эр-хотин ўртасида келишмовчилик юзага келгани бундай ҳуқуқнинг бекор бўлишига олиб келадими?

Саволларга судда кўрилган бир фуқаролик иши мисолида жавоб излаймиз.

Судга даъвогар Ч.Мирзаева уйга киритиш ҳақидаги ариза билан мурожаат қилган. Иш ҳужжатларидан маълум бўлишича, у 2022 йил 31 январда Ф.Ҳотамов билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қурган. Уларнинг никоҳидан 2022 ва 2024 йилларда икки нафар қиз фарзанд дунёга келган.

Дастлаб келин қайнотасининг хонадонида яшаган. Кейинчалик оила Қўшработ туманидаги бошқа уйга кўчиб ўтган ва 2026 йил апрель ойига қадар шу ерда истиқомат қилишган. Бироқ эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли оиладаги муносабатлар издан чиққан.

Даъвогарнинг билдиришича, 2026 йил 3 апрелда турмуш ўртоғи ва унинг ота-онаси уни уйдан чиқариб юборган. Оқибатда у икки нафар вояга етмаган фарзанди билан ижарада яшашга мажбур бўлган, моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган. Шу сабабли аёл суддан ўзини фарзандлари билан бирга аввал яшаб келган хонадонга киритишни сўраган.

Жавобгар Ф.Ҳотамов судда даъвони тан олмади, феъл-атвори тўғри келмаганини айтиб, турмуш ўртоғи уйдан ўз хоҳиши билан чиқиб кетганини ва энди бирга яшаш имкони йўқлигини билдирди.

Жавобгарнинг отаси ҳам ушбу важларни қувватлаб, келинни уйга киритиш тўғрисидаги талабни рад этишни сўради.

Суд иш ҳолатларини ўрганиб чиқиш жараёнида амалдаги Уй-жой кодексининг 32-моддасига таянди. Унга кўра, уй ёки квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек, у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар улар кўчириб келинган пайтда ёзма равишда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, турар жойдаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мазкур моддада бундай шахсларнинг ўз вояга етмаган фарзандларини турар жойга кўчириб киритиш ҳуқуқи ҳам назарда тутилган. Эътиборлиси, қонунда оилавий муносабатлар тугаган тақдирда ҳам, тегишли шартлар асосида турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолиниши белгиланган.

Демак, эр-хотиннинг ўзаро келишолмаслиги ёки бирга яшашни истамаслиги уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини ўз-ўзидан бекор қилмайди. Бундай низода суд шахснинг хонадонга қандай асосда кўчиб келгани, у ерда доимий яшаган-яшамагани, тарафлар ўртасида бошқача ёзма келишув мавжудлиги ва уй-жойдан фойдаланишга тўсқинлик қилинган-қилинмаганини текшириши лозим бўлади. Шунинг учун ҳам, мулкдорнинг ҳуқуқлари билан бирга, унга тегишли турар жойда қонуний асосда яшаб келган шахсларнинг ҳуқуқлари ҳам муҳофаза қилинади.

Суд ишни кўриш давомида тарафларнинг тушунтиришларини тингланди, никоҳ ва фарзандлар туғилганига оид ҳужжатлар, маҳалла фуқаролар йиғини далолатномалари, кадастр маълумотлари ҳамда бошқа далилларни синчковлик билан ўрганди.

Аниқланишича, даъвогар Ч.Мирзаева 2022 йилда ушбу оилага келин бўлиб келган ва кейинчалик низоли уйда турмуш ўртоғи билан доимий яшаган. Хонадонга келин бўлиб тушган пайтда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини чекловчи бошқача ёзма шарт белгиланмаган.

Иш ҳужжатларидаги кадастр маълумотларида низоли уйга оид ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтмагани ҳам қайд этилган. Айни пайтда маҳалла фуқаролар йиғини далолатномалари ва фуқароларнинг тушунтиришлари ушбу уй жавобгар эгалигида экани, у ерда унинг ота-онаси ҳам яшаб келаётганини тасдиқлади.

Суд, шунингдек, даъвогарнинг бошқа алоҳида турар жойи йўқлиги, ўзи ва икки нафар вояга етмаган фарзанди билан аввал яшаб келган хонадонга қайта киришига қаршилик кўрсатилаётганини аниқлади. Уй-жой кодексининг 32-моддаси талаблари ва иш бўйича тўпланган далиллар баҳоланиб, даъвогар ҳамда унинг фарзандлари низоли турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга, деган хулосага келинди.

Мазкур ишнинг яна бир муҳим жиҳати бор. Гап фақат эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик ёки келиннинг яшаш жойи ҳақида эмас, балки икки нафар вояга етмаган фарзандларнинг ҳам турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи ҳақида бормоқда. Болалар ота-онаси ўртасидаги низонинг келиб чиқишига сабабчи эмас. Шунинг учун катталар ўртасидаги муносабатларнинг бузилиши фарзандларнинг қонуний ҳуқуқларига асоссиз таъсир кўрсатмаслиги лозим.

Шу боис ушбу Уй-жой кодексининг 32-моддасида турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқига эга шахсларнинг ўз вояга етмаган фарзандларини мазкур турар жойга кўчириб киритиш ҳуқуқи белгиланган ҳам бежиз эмас.Чунки бола учун турар жой оддий бино ёки мулкий объект эмас. У боланинг кундалик ҳаёти, тарбияси, дам олиши ва ривожланиши билан боғлиқ муҳим муҳитдир.

Гувоҳи бўлганингиздек, қонун уй эшигини очди. Хулоса шуки, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билса, оилавий келишмовчиликларнинг мулкий низога айланиши, уй-жойдан фойдаланишда асоссиз тўсқинликлар келиб чиқиши камаяди. Энг муҳими, бундай вазиятларда суд ҳимояси шахснинг фақат ҳуқуқий манфаатини эмас, унинг ҳаёти ва фарзандлари билан боғлиқ муҳим ижтимоий манфаатларини ҳам муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Фахриддин ҚАРШИЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди раиси
Мансур МАРДОНОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро суди судьяси

Мулоқот

Савол беринг, жавоб берамиз

— Айтинг-чи, никоҳ давомида уй ипотека кредити асосида олинган бўлса, эр-хотиннинг умумий мулки ҳисобланадими? Баъзи сабабларга кўра, эр ва хотин ўртасида ушбу мулк суд орқали бўлинадиган бўлса, ипотека кредити юзасидан банк олдидаги мажбурият қандай тартибда ҳал этилади?

В. ОДИЛОВ,
Ғаллаорол тумани



— Амалдаги Оила кодексининг 23-моддасига асосан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Олий суд Пленумининг 2023 йил 20 февралдаги **“Судлар томонидан эр ва хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш ҳақидаги ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”**ги қарори 21-бандига кўра, мулк ҳуқуқини вужудга келиши асосларидан бири битимлар бўлиб, кредит маблағлари эвазига сотиб олинган кўчмас мулк ҳам эр ва хотиннинг умумий биргаликдаги мулки ҳисобланади (Фуқаролик кодекси 182-модда). Шунга кўра, Оила кодексининг 28-моддаси учинчи қисми талабидан келиб чиқиб, кредит маблағлари эвазига сотиб олинган кўчмас мулкни бўлишда судлар кредит шартномаси бўйича тўланиши лозим бўлган пул суммаси ҳам эр ва хотиннинг умумий қарз мажбуриятлари деб топишга эътибор қаратиши шарт. Суд ҳужжатида эр ва хотин уларга тақсимланган кўчмас мулкдаги улушларига мутаносиб равишда кредитор олдида жавобгар эканлиги тушунтирилиши лозим.

Демак, ушбу ҳолатда ипотека кредити асосида олинган уй-жой суд орқали умумий мулк сифатида бўлинганда, суд тарафларга ипотека кредити юзасидан банк олдидаги мажбуриятни ҳам ўз улуши доирасида тўлаш мажбуриятини юклайди.

— Эр-хотин никоҳдан ажрашса, фарзанд фақат онада қоладими? Бу ҳақда амалдаги қонунларда қандай меъёрлар белгиланган?

К. РЎЗИЕВ,
Шўрчи тумани



— Амалдаги Оила кодекси талабига кўра, ота-она никоҳдан ажрашганда ёки алоҳида яшаганда, вояга етмаган фарзандларнинг ким билан қолиши масаласи, биринчи навбатда, ота-онанинг ўзаро келишуви билан, келишув бўлмаганда эса, суд тартибида ҳал этилади.

Қонунчиликда «фарзанд фақат онада» ёки «фақат отада қолиши керак» деган қатъий қоида белгиланмаган. Оила кодексининг 71-моддасига кўра, ота ва она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Айтайлик, она юқори даромад олади, ота эса камроқ даромад топади. Бунинг ўзи бола ўз-ўзидан она билан қолади, деган маънони англатмайди. Худди шунингдек, отанинг даромади юқори бўлиши ҳам бола, албатта, ота билан қолади, дегани эмас.

Суд боланинг кимга кўпроқ боғлангани, уни ким амалда тарбиялаб келгани, таълими, соғлиғи, кундалик ҳаёти ва келгуси ривожи учун қайси шароит манфаатли эканини ҳар томонлама баҳолайди.

Эр-хотин ажрашса, бола ҳар доим она билан қолади деган қараш — нотўғри. Суд учун энг асосий мезон — ота ёки онанинг жинси эмас, балки боланинг устун манфаатидир.

Саволларга «Одил судлов академияси» тингловчиси Достон Жўраев жавоб берди.

Жиноят ва жазо

Жиноят такрорланди, жазонинг муқаррарлиги таъминланди

◀ (Бошланиши 3-бетда)

У 12 йилдан ортиқ умри ҳибсда ўтгач, афв туфайлигина барвақт озодликка чиқарилди.

Эркинликдан мосуво умр — ўзи ва ўзлигини англаган, ақлини пешлаган фаҳму фаросатли кишилар учун ҳаётий муҳим сабоқ. Афсуски, И.Раҳимов бундан тегишли хулоса чиқариб олмади. Унинг кўнгли тағин қора қилмишларни тусади.

Бундай қараса, дилидаги шум ниятни амалга ошириш имкони ҳам йўқ эмас. Жазони ўташ муассасасида танишган ўзига ўхшаш нияти эгри кимсалар – қўшни Афғонистон фуқаролари бўлмиш Муҳаммад Мерган ва Ҳожи Мамадуллога “сим қоқиш”нинг ўзи кифоя.

И.Раҳимов, табиийки, нафсини жиловлай олмади. Шу кўйи “WhatsApp” мессенжери орқали собиқ ҳамхоналари билан алоқа боғлаб, улардан кўп миқдорда гиёҳвандлик воситаси топиб беришни сўради.

Панжара ортида тил топишганлар шу тариқа хуфя “ҳамкорлик”ка бел боғладилар. Қўшни юртда истиқомат қилаётган икки гиёҳфуруш белгиланган нархдаги тўлов эвазига сўралган миқдордаги “дори” воситасини муҳайё этиш, хоразмлик мижоз эса, пулни нақд ёки банк йўли билан тўлаш мажбуриятини зиммасига олди.

Хуфя ишларга бемалол елка тута оладиган садоқатли “дастёр”ликка ҳамқишлоқ Санжар Каримов ҳам топила қолди.

Жорий йил 4 апрель куни икковлон гиёҳфуруш томонидан сўралган “тарьяк”нинг дастлабки 500 грамми сифатини аниқлаш учун уларга “тортиқ” қилинди. Гиёҳвандлик моддаси яширин қўйилган Урганч тумани маҳалласи ҳудудидаги хуфя манзилни топиш қийин бўлмади. Муҳаммад Мерган ва Ҳожи Мамадулло томонидан ўзларига ҳавола этилган “локация” ёрдам берди.

Бунинг устига ҳамтовоқлар харидор излаб узоққа боришмади. “Тарьяк”нинг 100 граммига И.Раҳимовнинг яна бир ҳамқишлоғи Жалол талабгор бўлди. Харидор “мол”нинг 100 граммини 2 минг АҚШ доллари эвазига насия тарзида сотиб олди.

Заҳри қотилнинг 400 граммдан кўпроғи ҳам кўтарасига пулланди. Уни И.Раҳимовнинг жиноий шериги Санжар Каримов 100 миллион сўм миқдоридаги насия пул эвазига харид қилди. “Тарьяк”нинг яна 380 граммига ўз танишларидан Хурсанд исмли кимса 100 миллион сўм билан харидор бўлди.

Дастлабки савдо ҳамтовоқларнинг оч нафсини баттар қўзғаб юборди. Орадан уч кун ўтмаёқ улар яна савдога киришишди. Бу гал харид қилинажак молнинг нархи 20 минг доллар миқдорида белгиланди. Келишув силлиққина кечди.

Сўралган маблағнинг ярми



бир неча соат ичида И.Раҳимов ва С.Каримовнинг умумий таниши Фаррух Ҳасанов номидан сотувчи тарафнинг ишончли гумаштаси – Туркия фуқароси Туркман Алининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Навбатдаги манзил “Миллий банк”нинг Урганч филиали эди. Пулнинг қолган 10 минг доллари айни шу банк орқали яна ўша одам номига юборилиши керак эди.

Аммо пулни ўтказиш асносида муаммо пайдо бўлди. Электрон пул кўчириш тизими ўз хотирасига жамланган дастурга мувофиқ бир шахснинг номига бир куннинг ўзида бунча катта миқдордаги пулни ўтказиб бериш ҳақидаги сўровни рад этди. Шунинг учун 8 минг долларни монеликсиз қабул қилди ва хорижлик шахснинг ҳисоб рақамига жойлаб берди.

Яна 2 минг доллар эса, ора йўлда қолди. Начора, бу ҳақда Ҳожи Мамадуллога хабар берилди. Шундан сўнг орадан 20 дақиқа ўтмаёқ, И.Раҳимов ва С.Каримовнинг қаршисида сотув томоннинг одами сирли равишда пайдо бўлди. Сотувчилар йирик миқдордаги “Опий” гиёҳвандлик воситаси ер остига кўмиб қўйилган яширин манзилни маълум қилдилар.

Ҳамтовоқлар шоша-пиша манзилга отланди. “Мол” беркитилган жойидан олиниб, қопга жойланди. Шу тобда, ердан чиқдими, осмондан тушдими, уч-тўрт нафар нотаниш одам рўпарасида пайдо бўлганини кўрган И.Раҳимовнинг ҳуши бошидан учди...

Қилмиш фош этилди. Тегишли экспертиза муассасаси жиноий гуруҳдан олинган ва 5 та бўлакка қадоқланган жигарранг модда, аслида, вазни 4 минг 407,51 граммга тенг “тарьяк” гиёҳвандлик воситаси эканлигини аниқлади.

Икковлон гиёҳфурушнинг кирдикори Жиноят кодексининг инсон баданига оғир ва ўта кучли таъсир қилувчи моддаларни сотиш, ташиш ва таъминлашга доир 25-, 273-моддаси 5-қисми бўйича малакаланди.

Ҳукм Жиноят кодексининг судланувчиларга нисбатан татбиқ этилган моддаси талаблари доирасида тайинланди. Ўта хавфли рецидивист, деб топилган И.Раҳимов — 14, унинг жиноий шериги С.Каримов 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Нафсга эрк бериш, осон ва мўмай даромад илинжида қонунга хилоф йўлни танлаш охир-оқибат инсонни фожиали қисмат сари етаклайди. Ибрат Раҳимов бир вақтлар панжара ортида ўтказган йилларидан тегишли хулоса чиқариб, озодликнинг қадрига етиши мумкин эди. Афсуски, у берилган имкониятни қадрлаш ўрнига яна жиноят йўлига қайтди.

Энди эса, унинг олдида яна узоқ йиллик қамоқ ҳаёти турибди. Жиноят ортидан келадиган вақтинчалик манфаат ҳеч қачон йўқотилган йиллар, барбод бўлган орзулар ва оиладан айро ўтган умрнинг ўрнини боса олмайди.

Жамол ЖУМАНИЁЗОВ,
жиноят ишлари бўйича Хива шаҳар суди раиси
Абдулла СОБИРОВ,
“Куч – адолатда” мухбири

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Робахон МАХМУДОВА
Алишер УСМАНОВ
Акрам ШУКУРОВ
Шухрат ПОЛВАНОВ
Маликахон ҚАЛАНДАРОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Абдуҳалим ХОЛМАХМАТОВ
Замира ЭСАНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-1015 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3220
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21^{00}. Топширилди: 2^{30}.